

Қоҳирада XIV асрга мансуб масжид қайта тикланади



09:25 / 31.10.2018 2459

Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида бир гуруҳ археологлар XIV асрда қурилган масжид деворларини тиклаш ишларини бошлайдилар. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлар идораси Матбуот хизмати [хабар берди](#). Масжид аҳоли яшаш манзиллари орасида жойлашган.

Қадимий топилмалар вазирлигининг баёнотида кўра, Қоҳиранинг ал-Дарб ал-Аҳмар туманида жойлашган Амир ал-Мардоний масжидининг қайта таъмирланиши ер ости сувлари ва канализация қувурлари туфайли муаммога учраб келган.

Масжидни қайта таъмирлаш ишлари 2020 йилнинг охирига бориб яқунланиши таъкидланган.

